

## Қатар музейида Осиё экспонантлари учун янги галереялар очилди



15:34 / 03.03.2023 1769

Доҳадаги Ислом санъати музейида Жануби-Шарқий Осиё экспонантлари учун янги галереялар очилди Бу ҳақда Россия телеканалли хабар берди.

Музейда Ява оролидан 19-асрга тегишли нодир қўлёмалар, Қуръони Карим, индонезияликларнинг Маккага қилган зиёратига оид фотографик далиллар, араб хаттотлиги туширилган хитой таомлари, шунингдек, заргарлик, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари ўрин олган.

Жанубий-Шарқий Осиёда исломнинг тарқалиши Малайзия, Индонезия ва Хитойда мусулмон маданиятини ёйилишига ёрдам берди.

Шу билан бир қаторда 800 йил аввал Ява денгизида чўкиб кетган кемадаги топилмаларга алоҳида хона ажратилган.

«Ушбу витринада кема ҳалокатида топилган буюмлар намоиш этилган. Бу топилмалар ўша даврдаги мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақидаги тушунчаларни кенгайтди. Мадагаскардан биллур, шиша идишлар, Индонезиядан олтин, Хитой кулоллари бор», дея таъкидлайди музейнинг кўргазма лойиҳалари раҳбари Шайка Носир Ал-Наср.

Ушбу музей Форс кўрфазининг араб давлатларида пайдо бўлган биринчи турдаги музейдир. Ислон архитектураси услубида қурилган бино Притзкер меъморчилиги мукофотининг биринчи лауреатларидан бўлган Бэй Юймин томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирданоқ кўплаб ташриф буюрувчиларни ўзига тортмоқда. Март ойининг ўрталаридан бошлаб музей меҳмонлари учун янги галереялар очилади.